

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВНИНГ СЎЗ ЎЙИНЛАРИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ МАҲОРАТИ ҲАҚИДА

Дусматов Ҳикматулло Ҳайтбоевич,

ФарДУ тилшунослик кафедраси катта ўқитувчisi, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таниқли сўз устаси Ҳожибой Тоҷибоеvнинг ҳажсв яратилиши ва сўздан фойдаланиши маҳорати таҳлил этилади. Қизиқчи нутқининг ўзига хослиги, кулги уйғотувчи ва сўз ўйинларини ифодаловчи лингвостилистик воситалар, уларнинг турлари ва нутқдаги аҳамияти хусусида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Қизиқчилик, аския, латифа, сўз ўйинлари, ўзбек миллий сўз ўйинлари.

ABSTRACT

This article analyzes the skill of creating humor and using words of the famous wordsmith Hojiboy Tajiboev. The peculiarity of the amateur's speech, the linguostylistic means of expressing laughter and puns, their types and their importance in speech are discussed.

Keywords: Fun, askiya, anecdote, puns, Uzbek national puns.

КИРИШ

Таниқли сўз устаси Ҳожибой Тоҷибоеv нутқини таҳлил қилар эканмиз, унинг ижодида сўз қўллаш билан боғлиқ услубий ўзига хосликни кўрамиз. Жумладан, сўзларни турли маъно нозиклари билан қўллаш, изоҳлаш, тавсифлаш, қиёслаш мазмунидаги матнлардан салмоқли фойдаланиш, лисоний бирликларга нозик маъно оттенкаларини маҳорат билан юклай олиш Ҳ.Тоҷибоеvга хос лингвистик маҳоратдан далолат беради. Бу ҳолни биргина нутқ товушини чўзиш билан боғлиқ қуйидаги лингвокультурологик ҳолатлар ифодаланаётганлигига ҳам кўришимиз мумкин:

Онанинг вақти йўқ. Умуман меҳри қолмаган. Кўпболали бўлгандан кейин меҳр ҳам болаларга бўлинниб-бўлинниб кетаркан-да. Биттаси у тиззасида, биттаси бу тиззада ухлаб қолган; биттаси орқасига опичиб ухлаб қолган. Ўзи бе-е-малол, юракни ке-енг қилиб, совуқёнлик билан ип йигириб ўтирибди. Ҳалиги зўрга юрадиган болача қизиб турган пеккага қараб боряпти пеккани ушлайман деб. Бу кўриб турибди, жон ачишмайди-да:

– Борма-а-а, куясан!

Ҳо-ой, куяса-а-н!

Ана-а-а, куйди-и-и-и-нг!»

Сўз устаси нутқида *a* товуши ва *i* товушини чўзиб талаффуз қилиш билан: *бала тарбиясига совуқёнлик; бепарволик; оиласвий муҳит; ишининг бола тақдиридан кўра муҳимлиги* каби миллий ментал хусусиятларни моҳирона очиб беришга эришган.

Хожибой Тожибоевнинг бошқа бир сўз усталаримиз, қизиқчи ва асқиячиларимизда учрамайдиган ўзига хос сўз қўллаш услуби қуйидагиларда намоён бўлади:

- орттирма даражани ифодаловчи *-роқ шаклини такрор қўллаш: «Мана мен ўзим ҳам бир неча бор бориб, концерт қўйганман. Навоий вилоятида руслар кўпроқ-роқ хизмат қиласдиган бир ҳарбий қисмга бордим...»*

- тилимизда тасдиқни ифодаловчи «*худди шунаقا*» сўзини кесатиқ ва инкор мазмунида қўллаш. Қизиқчи ушбу сўзларни ўзгача бир киноявий оҳангда айтадики, контекстда «аслида ундей эмас» деган қарама-қарши мазмун англашилади: «*Европада молга эътиром, эъзозлаш ўта юқори. Бизда-чи? Бизда ҳам худди шунаقا.*».

- pragmatik-киноявий мазмундаги окказионал ҳосиладан фойдаланиш: «*ххў-ххў-ххў, ххў-ххў-ххў*».

Х.Тожибоев ўз чиқишиларида сўзларнинг лингвокультурологик хусусиятларига алоҳида аҳамият беради. Масалан, ўзбек тилида «*гап йўқ*» ибораси *аъло, яхии* деган ижобий маънода қўлланади. Ушбу иборанинг аёлга нисбатан қўлланиши нокулай вазиятни юзага келтиради:

Эркак геноколог шифокор:

Қани эри? Чакиринглар буёққа! Суюнчи берсин – ўғил! (шифокор)

Эри югуриб келиб, нима бўлди, деса, «э-э хотинизга гап йўқ» дейди.

Сўз ўйинларининг кенг тарқалган усулларидан бири – бу нутқий вазиятда сўзларни ўз ва кўчма маънода баравар қўллаш ҳисобланади. Бунинг учун қизиқчилар кўпмаъноли сўзларга, кўчма маъноли сўзларга ҳамда ибораларга эътиборли бўлишлари талаб этилади. Масалан:

– *Хожибой ака, мана шу китобимга қўл қўйиб берсангиз.*

– *Тан этиб қўлимни китобининг устига қўйдим.* (Хожибой Тожибоев)

Юқоридаги мисолда қўл қўймоқ ифодаси лексик омонимияга мисол бўлади.

Яъни:

- 1) қўл қўймоқ – бирор нарса устига қўлини қўймок;
- 2) қўл қўймоқ – имзо чекмоқ каби маъноларни ифодалаб келган.

ўзбек тилининг шаклдош ва кўп маъноли сўзларга бойлиги сўз ўйинлари ҳосил қилишда қулай имконият яратади. Айниқса, лисоний бирликларни ўз маъносидан ташқари, кўчма маъноларда қўллаш, кўчма маъноли сўзларнинг турли-туман маъно нозикликларига таяниб, уларни услубий восита сифатида нутқда қўллаш кулгили вазият яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Буни сўз устаси Ҳожибой Тожибоевнинг қўйидаги ижросида кўришимиз мумкин:

Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзиданам сўзи қизиқ дейди. Ўйлаб қарасак, шу мавзуни бир умрга давом эттирасак, бўлаверар экан. Мана, сотивийси бор инсонлар бир-бирига қараб нима дейди? Қўлинг ишиляптими, дейди. Гапни қаранг! Манга биттаси шунаقا деди: Ҳожибой ака, қўлингиз ишиляптими? Худога шукур, дедим. Қўлимам ишиляпти, оёғимам ишиляпти. Йўқ, сотивиз ишиляптими? Ҳа, бу бошқа гап, ука, дедим.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу матнда метонимик йўл билан маъно кўчган бўлиб, қўлингиз ишиляптими деганда, телефон назарда тутилади. Телефон (сотивий) орқали эса, телефон рақами назарда тутилади:

Илтимос, сотивийизни ташлаб кетсангиз. Манам, қаранг, сотивийни ташлаб кетибман. У номерни ташлаб кетиши керак экан аслида. Ман сотивийни ташлаб кетаверибман. Номерингизни беринг дейши керак экан уларам.

Бундай кўчма маъноли сўзларни ўз маъносида тушуниш кулгили вазиятнинг юзага чиқишига сабаб бўлади:

Ёки бўлмасам, меҳмон келиб қолса, баъзан шунаقا гапларни эшишиб қоламиз: **Уятли, уятли меҳмонлар** келиб қолди, қаерга жойлаштирамиз? Нима қолганлар уятысиз меҳмонларми? Ёки бўлмасам, **нозик, нозик меҳмонлар** келиб қолди-я, нима қиламиз? Бу нозик, нозик дегани жуда нозик, келишган бўлса керак десангиз, 150 килоли одамлар кириб келяпти-ю. Гапимиз қизиқ: фалончи иигит фалончини **бошини айлантириб юрган** экан дейди. Йўғе деса, ҳаа, ўз кўзим билан кўрдим. Бўйнида резваси бор экан-да, бўйнида. Хоҳласа, буёққа қараб айлантиради, хоҳласа, буёққа қараб.

Матнда уятли мемонлар ва нозик мемонлар каби сўз бирикмалари ҳамда бошини айлантириб юрмоқ ибораси англатган ўз ва кўчма маънонинг бир вақтнинг ўзида ифодаланаётганлиги кулги вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлади. Чунки жамиятнинг ижтимоий онгида мавжуд тушунча тўлиқ

шаклланиб, күчма маъно умумлашма даражасига кўтарилиган. Ушбу фикрларимиз исботини қуидаги матнда ҳам кўришимиз мумкин:

Гапимиз қизиқ-да. Масалан, меҳмонга борсангиз нима дейди: Меҳмон, қўй чой ичасизми ё қора чой ичасизми? Масалан, қора чой десангиз, қоп-қора чой дамлаб келмайди-ку. Қизил чой дамлаб келади, тўгрими? Ёки қўк чой десангиз, сарик чой дамлаб келади. Сиз қанақасига қора чой дамлаб келасиз? Қоп-қора чой олиб келасизми? Йўқ. Унда нимага ҳайрон бўласиз. Андижонга меҳмонга борганимизда бир акамиз келиб, меҳмонга таклиф қилиб, нима дейди: Ҳожибой ака, қорин қанақа, дейди. Қорин қанақа, деб андижонча қилиб сўради-кўйди. Манам юмалоқ дедим. Йўқ, очми, тўқми? Рангини билмайман, дедим. Ё овқат-повқат ейсизми, деяпман. Ҳа, бу бошқа гап дедим. Уйига меҳмон келган, ўтирибмиз. Ҳар кирганда хижолат бўлиб: Ҳожибой ака, мундай дастурхонга қараб ўтиринг, дастурхонга. Бизам шундай дастурхонга қараб ўтирибдик. Ҳа, нима бўлди, деганди, дастурхонга қараб ўтирибмиз, дедим. Мундоқ олишиб ўтиринглар, илтимос, юракни сиқиб юбордиларинг-ку деди, шарт олишиб кетдим. Ҳой, ҳой, нима қиляпсиз? Ҳа, олишяпман, ўзингиз айтдингиз-ку.

Метафорик маъно ҳам қизиқчилар нутқида сўз ўйини ҳосил қилиш учун қулай хисобланади. Буни қуидаги матнда қўриб чиқамиз:

Бирорта тўғри гап йўқ-да бизда. Яна чиқиб кетаётганимизда, нима дейди: Меҳмонлар, ҳа ўтириб борардинглар? Ўтириб қаерга бораман, ман ўтириб? Ёки: Ҳа, ётиб борардинглар, дейди. Ие, ҳа ўтириб бориб бўлмаган, ётиб бориб бўладими?! Ётиб олиб, илонга ўхшаб жўнаб қолсангиз-а. Яна энг қизиги, нима дейди: Ҳа, шўрвага ўтирмадиларинг-да, дейди. Тасаввур қилинг: бир қозон қайнаб турган шўрвага келиб ҳамма меҳмонлар ўтирса-я?! Паҳ, паҳ, паҳ. Шўрвага ўтириб бўладими? Куйдириб қўяди-ку. Қаранг, буниси нима дейди: Ака, шўрвангизга кўп ўтирганмиз-у дейди. Шўрвасига кўп ўтирганмиш. Ёки шунга ўхшаган гаплар-да: Оша кўринмайсиз, Ҳожибой ака, дейди. Ман гўштми ошда кўринаман?! Суякмидим ман ошда кўринсан! Ёки бўлмаса, ошни дамладингми, дейди. Болонмиди у дамлайсан?! Ана ош келяпти, дейди. Ош келмайди, ошни олиб келасан керак бўлса. Нима дейди: Ошни бир урамиз эканда, а, дейди. Нега урасан ошни?! Нима гуноҳ қилди санга?

Ушбу мисолдан кўринадики, халқона ифодалар: «ўтириб борардинглар», «ётиб борардинглар», «шўрвага ўтирмадиларинг», «ошда кўринмайсиз», «ошни дамладингми» кабилар когнитив билим сифатида онгимизда мавжуд муайян бир тушунчани ифодалашга хизмат қиласи ва улар метафорик тарзда нутқимиздаги маълум бир бўшлиқ – хаосни тўлдириш учун қўлланган бўлади.

Сўз устаси Ҳожибой Тожибоев томонидан кулги қўзғатувчи воситалар сифатида қўлланган юқоридаги қўчма маъноли сўзлар ўзбек тилининг сўз ўйинларига хос табиатини намоён этиши билан бирга, сўз санъаткорининг лингвистик мушоҳасидан ҳам дарак беради. Бу сўз санъаткорининг окказионал ҳосилалар (*чакакагин, антижсағ, васвасаген*) яратган ҳолда кулги қўзғатиш санъатида ҳам намоён бўлади:

Бизнинг аёллар кўп гапиради. Уларга қарши чакакагин деган дорини ишлаб чиқарииш керак. Одамзод пул тагида қолиб кетади. Ёки антижсағ деган дорини ихтиро қиласангиз, умуман пул тагида қолиб кетасиз. Ёки бўлмасам, одамларимиз васвасага тушиб қолган. Ана шунача одамларга васвасагин деган дорини ишлаб чиқарсангиз бойиб кетасиз.

Ҳ.Тожибоев лисоний бирликларнинг нозик жиҳатларини нутқда маҳорат билан ифодалаб берадики, тингловчи кўз ўнгида гўё объектив ҳаётий воқеалар гавдаланади. Унинг қуидаги мисолларига эътибор қаратсак, бунга янада ишонч ҳосил қиласиз:

... Ҳозирчи? Бе-е-малол. Аскарларимиз овқатларни биринчи, иккинчи, учинчини еб бўлгандан кейин узум, қовун, торвуз, нок, анор, ёнгоқ, майизларни еб, чойларни ичи-иб, унинг устидан компотларни ичиб, ундан кейин, ҳалиги, нима дейди, малиновий компотларни ичиб бўлгандан кейинам «рота туринглар!» деган команда йўқ. Ўтириб, зерикиб кетган солдатларимиз ўзлари илтимос қиляпти: «Ўртоқ старицина, битта паташа қилинг энди».

ХУЛОСА

Маълумки, сўзлар муайян нутқ услубига хосланган бўлади. Услубий хосланган сўзларни бирининг ўрнида иккинчисини қўлласак, гапимиз ғализ бўлади. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган сўз устаси Ҳожибой Тожибоев сўзлашув услубига хосланган *патаҳа* сўзини расмий услубда сўзлашувчи аскарлар нутқида қўллаб, кучли ҳажвий вазият яратишга эришади.

Дарҳақиқат, тил имконият сифатида буюк қудратга эга бўлса ҳам, унинг бу қудрати нутқда реаллашади. Чунки сўз ва унинг товланишларини нутқ белгилайди. Ана шу товланишларнинг энг нозик нуқтаси сўз ўйинидир.

REFERENCES

1. Qizi, Q. S. S. (2022). SO'Z USTALARI NUTQIDAGI AYRIM KULGI QO'ZG'ATUVCHI USUL VA VOSITALAR HAQIDA. *Ta'lif fidoyilari*, 22(7), 458-461.

2. Дусматов, Х., & Зоитова, Ш. (2022, May). ЛЕГЕНДЫ «ОЛТИН БЕШИК»(«ЗОЛОТАЯ КОЛЫБЕЛЬ») И «САНГИ ОЙНА»(«КАМЕННОЕ ЗЕРКАЛО»): ИСТОРИЧЕСКАЯ ПРАВДА ИЛИ ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ВЫМЫСЕЛ. In *Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность. Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции 28 февраля 2020 г.* (р. 163). Litres.
3. Dosmatov, H. H., & Ibragimova, E. I. (2021). LINGUISTIC PHENOMENA ASSOCIATED WITH WORD GAMES. *Theoretical & Applied Science*, (5), 108-111.
4. DUSMATOV, H. H., & HUSANOVA, M. (2021). Some stylistic events expressed in Uzbek anecdotes. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE* Учредители: *Теоретическая и прикладная наука*, (12), 505-508.
5. Dosmatov, H. H., & Ibragimova, E. I. (2021). LINGUISTIC PHENOMENA ASSOCIATED WITH WORD GAMES. *Theoretical & Applied Science*, (5), 108-111.
6. Дусматов, Х. Х. (2017). Об узбекском искусстве игры слов. *Путь науки*, (3), 37.
7. Khayitbaevich, D. K. (2017). About the Art of Askiya. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, 5(12), 32-38.
8. Shodieva, G. N. K. (2022). CLASSIFICATION OF WORDS IN UZBEK AND ENGLISH: IN THE EXAMPLE OF VERBS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 1128-1131.
9. Do'smatov, H. (2022, June). O 'ZBEK TILIDA SO 'Z TURKUMLARI TASNIFI MASALALARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 1, pp. 108-113).